



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам устоз ва мураббийлар!

Авалло, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган барча педагог ходимларни ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбидан табриклаб, энг эзгу тилаklarимизни изҳор этаман.

Ушбу қутлуг айёмда барчамиз бизга илм ўргатган, ҳаёт сабогини берган жонқур, фидойи ўқитувчи ва домлаларимизга чуқур ҳурмат баҳо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, улуг маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудийнинг: "Авлодларингизга фақат бутуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг", деган сўзлари бейихтиёр ёлмиғимизга тўшади.

Чиндан ҳам, дунё микёсда рақобат янада кучайиб борадиган, ўрта мураккаб бир даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади.

Ана шу ўткир ҳақиқатни ҳисобга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни давлат сие-сатининг энг муҳими ва устувор йўналиши даража-сига кўтардик.

Ўтган қисқа даврда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаб таълимида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларини оптималлаштириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш бўйича кенг қўллади ишларни амалга оширдик.

Бугунги кунда сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг қизгин қўллаб-қувватлаши билан **мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.**

Буюк алломаларимиз, атоқли шoir ва адибларимиз номи билан атайдиган ижод ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаблар, "Темурбеклар мактаблари", Президент мактаблари каби му-лақо янги намунадаги замонавий ва инновацион таълим масканлари айни шу мақсадга хизмат қи-лади.

Бу борада умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласига устувор аҳамият берил-моқда. Бунинг тасдиғини сўнгги икки йилда 238 та янги мактаб барпо этилганда ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, 2010-2016 йилларда бу соҳага етарли эътибор берилмагани туфайли 99 та мактаб ёпи-лан эди.

Мазкур соҳани ривожлантириш учун ажратилаёт-ган бюджет маблағлари ҳажми ҳам ортиб бормо-қда. Жумладан, жорий йилда мактабларга 2017 йил-га нисбатан 81 фоиздан зиёд маблағ ажратилди.

Ўртимизда бонча, мактаб ва олий таълим тизи-мида ишлаётган тарбиячилар, ўқитувчи ва домла-

лар меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ҳақини, жамиятдаги нуфузини ошириш бўйича му-ҳим қадамлар қўйилмоқда.

Соҳа ривожига булган ана шундай эътибор мак-табларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳати-дан ўзгартиришга, ўқитувчилар таркибидан яхши-лашга хизмат қилмоқда.

Биз таълим-тарбия масаласига комплекс ёнда-шган ҳолда, бонча таълими билан бирга олий таъ-лим тизимини ҳам узвий ривожлантиришга алоҳи-да эътибор бермоқдамиз.

Шу мақсадда мамлакатимизда мактабгача таъ-лим ҳамда олий таълимни ривожлантириш дастур-лари қабул қилинди ва шу асосда туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги икки йилда мамлакатимизда 35 та, жумладан, 13 та хорижий олий ўқув юр-ти ташкил этилди. Юздан ортиқ янги бакалаврият таъ-лим йўналишлари ҳамда 94 та магистратура мута-хассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйил-ди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида ёшлар-ни олий таълим билан камраб олиш даражаси уч йил бурунги 9 фоиздан 20 фоизга ошди. Биз яқин келажакда бу курсаткини 25 фоизга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Яратилаётган имкониятлар туфайли Ўзбекистон ёшлари турли соҳаларда ўз билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шўҳратини бутун дунёга тараннум этмоқда.

Кўни кеча Россиянинг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатидан моҳир спорт-чилар иштирок этган бокс бўйича жаҳон чемпи-онатида миллий жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллагани барчамизни қувонтириб, гуру-р ва ифтихор бағишлади.

Бундай улкан ютуқларни биз аввало сизлар каби фидойи устоз-мураббийларнинг фидокорона ме-хнати натижаси сифатида қабул қиламиз. Қадрли юртдошлар!

Барчамиз яхши тушунамизки, бугунги шиддатли замон барча соҳалар қаторида таълим-тарбия ти-зимини ривожлантириш бўйича ҳам олдимизга гоят муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Албатта, ёшларимизнинг билим олишлари учун барча шароитларни яратиш, ўқув бинокларини қуриш, уларни замонавий жиҳозлаш мумкин. Ле-кин фарзандларимизга юксак мезонлар асосида таъ-лим-тарбия берадиган, янги, инновацион фикр-лайдаган муаллим ва ўқитувчиларни тайёрлаш – бу энг оғир вазифа бўлиб, жуда катта меҳнат ва масъулиятни талаб этади.

Шу маънода, **бугунги кун ўқитувчиси универ-сал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши**, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, до-мо изланиб яшаши керак.

Энг муҳими, ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур. Қалбида ўз касбига, Вата-

нига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчигана ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади.

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз "**Ўзбеки-стонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши ке-рак**" деган гояни амалга оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва жамият томонидан қанча маб-лағ, ресурс ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз.

Мактабларда хорижий тилларни, ахборот-ком-муникация технологияларини ўргатишни такомил-лаштириш, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқаруви ислоҳ қилиш, ёшларни илм-фан соҳа-сига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тад-бирларни самарали амалга оширишимиз лозим.

Профессионал таълим соҳасида бугунги меҳнат бозори ва халқаро стандартларга тўла мос келадиг-ан бутунлай янги тизимга ўтишни жаддаллашти-ришимиз керак.

Таълим муассасаларининг моддий-техник база-си, ўқитиш сифати ва педагог ходимларнинг би-лими ва малакасини оширишга қаратилган "**Замо-навий мактаб**" давлат дастурини амалга ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Барчамизга аёнки, бугунги кунда ён-атрофимиз-да ёшларнинг қалби ва онгини заҳарлаб, уларни тўғри йўлдан оғдиришга қаратилган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай мафкуравий ху-ружларга қарши миллий гоя асосида барчамиз бир-галликда курашмоғимиз, **ойла, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашимиз** зарур.

Айниқса, бу вазифа барча бўйиндаги раҳбарлар, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, ижодкор зиёлиларимиз, диний уламолар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, бутун жамиятимиз учун виждон ишига айланishi керак.

Азиз ва муқтарам устозлар!

Бугун таълим-тарбия соҳасида, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Бу даврни янада чуқур маъно-маънун билан тўлдириб, **миллий оқсалиш-га эришиш** фақат ва фақат ўзимизга, шу йўлда ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимизга боғ-лиқ.

Биз халқимизнинг энг катта бойлигини – мил-лионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қиз-ларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулият билан адо этиб келаятган сизлар каби фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Сизларни ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-сало-матлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЕКАТЕРИНБУРГ ШАҲРИДА БОКС БҮЙИЧА БҮЛИБ ҲАЖОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг қўллади ишлар ва яратилаётган шароитлар туфайли спортчиларимиз томонидан улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 6-22 сентябрь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатлари ўртасида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида миллий терма жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллагани ҳамда Ватанимизнинг халқаро микёсдаги шон-шўҳратини тараннум этишга катта ҳисса қўшганини, ўртимизда спорт-ни кенг омалаштириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар онгида миллий гурур, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтириш борасидаги муносиб хизматлари учун қуйидагилар фахрий унвон ва медаллар билан мукофотлансин:

“Ўзбекистон ифтихори”

Жалолов Баходир Исомиддин ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жа-моаси аъзоси

Мирзахалилов Миразизбек Мирзака-рим ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон мил-лий терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Курбанов Марат Галиевич – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоа-си бош мураббийи

Қиличев Тўлқин Махмурович – Рес-публика ихтисослаштирилган олимпия за-хиралари мактаб-интернатининг бокс бўйи-ча мураббийи

Эркаев Баходир Турғунович – Фарго-на вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйи-ча мураббийи

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”

Зоиров Шахобидин Шокирович – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоа-си аъзоси

“Келажак бунёдкори” медали билан Батуров Бобо-Усмон Шамсутдин ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Рўзметов Дилшодбек Юсупбай ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Шўҳрат” медали билан

Ахмедов Бурхон Бахрамович – Пах-такор туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мура-ббийи, Жиззах вилояти

Қиличев Фаррух Комилевич – Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг бокс бўйича бош мураббийи, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 сентябрь

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КУРАГИ ЕРГА ТЕТМАГАН БҮЮК АҲДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ЎҒЛОНЛАРНИ ТАҚДИРЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 сентябрдаги фармониغا мувофиқ, Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юксак натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи ва мураббийлар фахрий унвон ва медаллар билан тақдирланган эди.

30 сентябрь куни Кўксаройда ана шу юксак мукофотларни топшириш мароси-ми бўлиб ўтди. Маросимда давлат ва жа-моат ташкилотлари вакиллари, спорт фе-дерациялари раҳбарлари, боксчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшлар камолоти, спорт ривожини учун пухта замин яратил-ган. 2019-2023 йилларда жисмоний тар-бия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси илм амалга оширилмоқда. Жойларда янги спорт объектлари ишга туширилиб, ёшлар соғлом турмуш тарзи-га фаол жалб этилмоқда. Профессионал спортчиларнинг машғулотлар ўтказиши, маҳоратини мунтазам ошириб бориши учун замонавий шароитлар яратилмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йил 4 сентябрь куни ўтказилган видеоселек-тор йиғилишида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусо-бакаларга тайёргарликни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилан-ган эди.

Ўтган қисқа вақтда спортчиларимиз бир нечта турнирларда иштирок этиб, улкан ютуқларни қўлга киритди. Хусусан, 14-22 сентябрь кунлари Қозоғистон пойтахти Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтган юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 4 та медал билан 2-ўринни эгаллади. Эътиборлиси, совриндор спортчиларимиз 2020 йилги Токио Олимпиадасига ҳам йўланма олди.

20-25 сентябрь кунлари Тошкентда дэюдо бўйича халқаро Гран-при турнири юқори савида ўтказилди. Унда 71 мам-лакат спортчилари 14 та вазн тоифасида қатнашди. Ўртимиз терма жамоаси жами 6 та медал билан 2-ўринга сазовор бўлди.

6-22 сентябрь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионати спортчиларимиз учун янада муваффақиятли кеңди. Саксонга яқин мам-лакатдан энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирок этган гоят кескин беллашувлар-да терма жамоамиз 3 та олтин, 1 та ку-муш ва 1 та бронза медали қўлга кирит-ди. АҚШ, Куба, Россия, Қозоғистон, Анг-лия, Хиндистон каби бокс бўйича етакчи давлатлар вакиллари ортада қолдириб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Жамоа сардори Баходир Жалолов чемпи-онатнинг “Энг яхши боксчиси” деб эъти-роф этилди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, спортчи-ларимизни, уларнинг устоз ва мураббий-ларини, бутун халқимизни бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тарихий ғалабаси билан самимий табри-клади.

Бўлиб ўтган самимий мулоқотда терма жамоамиз бокс бўйича етакчи давлатлар вакиллари орқанда қолдириб, яқуний бос-қиқда голлибикни қўлга киритгани улар-нинг нафақа жисмоний, балки руҳий ва маънавий жиҳатдан ҳам яхши тайёргар-лик билан майдонга чиқгани натижаси экани алоҳида таъкидланди.

Жалолидин Манғуберди, Амир Темур, Пахлавои Махмуд каби ҳеч қачон кураги ер-га тетмаган буюк аждодларимизга му-носиб ўғлонларгина ана шундай улуг за-фарларга қўриб бўла олади. Сизлар мил-лий спортимиз тарихида янги ва ёрқин саҳифа очиб, жонжон Ўзбекистонимиз обрў-эътиборини янада юксакларга кўтар-дингиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари учрашувда ишти-рок этган боксчиларимизнинг ота-она-ларини алоҳида қўллаб, улар ана шундай мard, мустаҳкам иродали, ватанпарвар фарзандларини вояга етказиб, кўпчиликка намуна бўлганларини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг 80 га яқин мамлакатидан энг кучли чарм қўлқоп ус-талари иштирок этган ва гоят кескин ку-рашлар остида ўтган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз энг юқори поғонага кўта-рилгани улкан жасорат ва қаҳрамонлик намунасидаир. Бунинг учун зарур бўлган беқияс куч-ғайрат, билим ва маҳорат, мус-таҳкам ишонч манбаи аввало, Ватанимиз, олижаноб халқимиз, унинг шонли тарихи ва бой маънавияти, десак, асло муболага бўлмайди. Ана шундай буюк кучга тая-ниб, миллионлаб ёшларимиз юртимизни ҳар томонлама тараққий топтириш йўли-да зўр ғайрат ва шижоат билан майдонга чиқмоқда, деди Президентимиз.

Мазъумки, 2016 йил Бразилияда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида ҳам боксчиларимиз ҳамма қўйил қолдириб, умумжа-моа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган эди. Эришилган бундай ютуқлар тасоди-фий эмаслигини, Ўзбекистон том маънода бокс мамлакатига айланиб бораётганини миллий терма жамоамиз аъзолари ана бир бор бутун дунёга яққол намоеён этди.

Бу ғалаба “Ўзбекистон бокс макта-би”, “Ўзбекистон боксчилари” деган

сўзларни жаҳон спорт тарихига олтин харфлар билан муҳрлаб қўйди. Энди Ўзбе-кистон боксчиларини, ўзбек бокс макта-бинини тан олган ҳам тан олади, тан олма-ган ҳам тан олади. Энди “Ўзбекистон”, “Ўзбекистонлик” деса, манаман деган боксчилар ҳам ўйлаб рингга тушадиган бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спорт-га, хусусан, бокс соҳасига кўрсатилган эътибор, яратилаётган зарур шароитлар рўёби, аввало, ана шундай ютуқларда кўринади. Мамлакатимизда замонавий таъ-лим-тарбия масканлари билан бирга, янги-янги спорт мактаблари ва мажмуалари, ста-дионлар, сузиш хавзалари барпо этила-ётгани, болаларимиз қалбида спортга меҳр уйғотишга алоҳида аҳамият берила-ётгани бу борада хал қилувчи роль ўйна-моқда. Айниқса, ҳурматли устоз ва му-раббийлар меҳнати қадр топиб, уларнинг мактеби ва мақоми ошиб бораётгани ютуқ-лар гарови бўлмоқда.

“Ёшлар – келажакимиз”, “Бешта муҳим ташаббус”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳал-ла”, “Обод марказ” каби дастурларнинг барчасида фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялашга, уларнинг спорт билан шуғулланишига жиддий эътибор қаратил-моқда.

Бу ғалабанинг яна бир муҳим томони шундаки, у мамлакатимизда бошқа спорт турларининг ривожига ҳам қудратли тур-ки беради, ўз навбатида, ёшларни барча соҳаларда маррани банд олиб, доимо ғалаба сари интилиб яшашга ўргатади, деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда терма жамоамиз қўлга ки-ритган оламшумул ютуққа беқияс ҳисса қўшган қаҳрамон боксчиларимизнинг ҳар бири ҳақида гурур ва ифтихор билан фикр билдирилди.

Шахобиддин Зоиров бир қатор кучли рақибларни, хусусан, финалда хиндистон-лик машҳур боксчини енгиб, дастлабки олтин медални қўлга киритгани, Мир-азизбек Мирзахалилов финалда кубалик ўта кучли рақибни иккинчи раунддаёқ маг-луб этгани, алпомиллар юрти – Сурхон-дарё фарзанди, учинчи олтин медал со-ҳиби Баходир Жалолов ўта оғир вазнда ҳам чемпион, ҳам чемпионатнинг “Энг яхши боксчиси” деган эътирофига сазовор бўлгани, ёш, истеъдодли боксчи Дил-шодбек Рўзметов бундай нуфузли мусо-бакада илк бор иштирок этганига қара-масдан, кумуш медални қўлга киритгани, бронза медалига сазовор бўлган Бобо-Усмон Ботиров ҳам жаҳон чемпионатида илк марта қатнашиб, фахрли натижага эришгани алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда эришилган ғалабани таъ-минлашда мураббийлар таркиби, Бокс фе-дерациясининг салмоқли ҳиссаси борли-ги эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари кучли ва енгил-мас жамоани тайёрлаш учун чинакам фи-доийлик кўрсатган, тўғри тактика танла-ган ва пухта машғулотлар олиб борган Марат Курбанов, Раҳматжон Рўзуюхон, Тўлқин Қиличев, Истам Кабинов, Бахо-дир Эркаев, Фаррух Қиличев каби мура-ббийларнинг хизматларини юқори баҳолаб, уларни чин дилдан таъкидлади.

Мулоқот давомида келиши йил Япония-да бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик ҳақида ҳам атрофли сўз юритилди. Ўзбекистон боксчилари катта ғалабани қўлга киритиб, бу борада мус-таҳкам пойдевор яратганига алоҳида урғу берилди.

Жадал ривожланаётган, очиб ва демок-ратик мамлакатимиз ўзининг спорт соҳа-сидани янги қиёфасини намойиш этиши учун бу Олимпиада жуда катта имконият-дир. Албатта, спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, профессионал маҳорати ва таҳрибаси жуда муҳим. Лекин энг зарур жиҳати – бу Олимпия жамоамизнинг ру-ҳий тайёргарлиги. Спортчининг ўзига ишончи қанчалки кучли бўлса, натижа ҳам шунча юқори бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда Президентимиз томонидан боксини мактаблар, маҳаллалар, туманлар ва вилоятлар даражасида ривожлантириш юзасидан зарур шароитлар яратиш бўйи-ча концепция ишлаб чиқиш, боксини умум-миллий спорт турига айлантириш юзаси-да алоҳида дастур ва чора-тадбирлар қабул қилишга доир муҳим тақдир ва та-шаббуслар илгари сурилди.

Маросимда бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи М.Курба-нов, жаҳон чемпионлари Б.Жалолов, М.Мирзахалилов ва бошқалар спортни ривожлантириш ҳамда спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бора-сида кўрсатаётган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Абунаснова Розия Тўраевна – Пешку туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

Холодова Наталья Юрьевна – Сурхондарё вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг энгил атлетика бўйича мураббийи

Ўртамузда таълим соҳасини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогика ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш, чуқур билим ва касб-хўнарга эга, мустақил фикрлайдиган, иқтидорли, соғлом авлодга воғда этказиш ишларида қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун қўйидагилар мукофотлансин:

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Артиков Ешпалат Рузиевич – Бухоро вилояти ихтисослаштирилган маданият мактаб-интернатининг аънавий хонандалик бўлими ўқитувчиси

Бабукова Калжамал Бегдуллаевна – Меҳнат фахрийси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ирискулов Мухамадас Турсуневич – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуриндаги Чет тилларини ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи

Разакова Улган Абдужалилова – Сергели туманидаги 30-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Турсунов Эркин Атабаевич – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг гистология, патологик анатомия кафедраси профессори

“Меҳнат шўхрати” ордени билан

Азимова Раънохон Шариповна – Сарийосиё туманидаги “Мурувват” ногирон аёллар учун интернат уйи энагаси, Сурхондарё вилояти

Ақбарова Саодатхон Турғуновна – Балиқчи туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Акрамов Абдурахим Икромович – Ширин шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Аллабергенов Фарход Рахимович – Янгиерик туманидаги 39-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Базарбаева Севар Юлдашова – Тошкент туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Базаров Фазилжон – Меҳнат фахрийси, Жиззах вилояти

Дадамидраева Инобат Муродиллаевна – Наманган шаҳридаги 77-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Иржаев Абдурахим Панджиевич – Қарши давлат университети миллий гоё, маънавият асослари кафедраси доценти, Қашқадарё вилояти

Исмаилов Бобир Абдурахимович – Оммавий тадбирлар раҳбари, Тошкент шаҳри

Касимов Юлдаш Эргашевич – Олмазор туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ким Идея Алексеевна – Нукус шаҳридаги “Имкон” реабилитация маркази ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Раманова Гулпаршын Жолдасбаевна – Чимбой туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Расулов Рустам Явқачович – Фаргона давлат университетининг физика кафедраси профессори, Фаргона вилояти

Рўзиев Темиркул Ражабович – Қорақўл туманидаги халқаро математика мактаби директори, Бухоро вилояти

Темирғалиев Фарид Салихович – Самарқанд агро-иқтисодий касб-хўнара коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Самарқанд вилояти

Тоширзаева Шарофат Мирбабаевна – Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Турсунова Рихсигул Бахромова – Жиззах шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Усмонова Ахаргун Ибрагимовна – Навоий шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

Хакимова Нуржон Муҳаммадиевна – Каттақўрғон шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар маркази директори, Самарқанд вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Ибрагимова Муъссар Курбановна – Республика ёшлар марказининг Хоразм вилояти бўлими “Инклюзив таълим” тўрагаги раҳбари

Илов Аслан Нурович – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг халқаро кураш турлари назарияси ва услубияти кафедраси профессори

Корниенко Валентина Владимировна – Учқудуқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Очилов Шўхрат Саидович – Бухоро туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Бухоро вилояти

Сулайманова Сайёра Иляшовна – Қуйи Чирчиқ туманидаги “Фартуна” нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Тошкент вилояти

Турдиева Шохсанам Сайфуллаевна – Қарши шаҳридаги “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйи энагаси, Қашқадарё вилояти

Убаева Зулфия Джамилевна – Яшнобод туманидаги 30-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент шаҳри

“Дўстлик” ордени билан

Абдуллаев Ғайрат Уролович – Муборак саннат касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Абдуллаева Махмуда Нишанбаевна – Наманган шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Аллаков Исмаил – Термиз давлат университетининг алгебра ва геометрия кафедраси мудири, Сурхондарё вилояти

Ашуров Қажрамжон Хайидбеович – Сўх туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Бўриев Сулаймон – Бухоро давлат университетининг биология кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Власова Лилия Вильдановна – Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийи

Жаборова Махират Имомовна – Янгийер шаҳридаги 5-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Жўраев Хусанбой – Улуғнор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Канаки Эдуард Валерьевич – Чилонзор туманидаги 103-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Крупская Надежда Владимировна – Пайарик туманидаги 20-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Курбанов Хидоятullo Бобоалиевич – Сарийосиё туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Кўшнер Елена Натановна – Мирзо Улуғбек туманидаги “Diplomat International School” нодавлат таълим муассасаси директори, Тошкент шаҳри

Махкамов Маруф Махмудович – Чуст туманидаги “Баркамол авлод” болалар маркази тўрага раҳбари, Наманган вилояти

Рузиева Нафиса Баймуратовна – Қўшқўпри туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Солиева Феруза Гофуровна – Данғара туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Туева Гулшод Зайниевна – Зарафшон шаҳридаги Болалар шаҳарчаси тарбиячиси, Навоий вилояти

Турганова Гулчехра Йегиталиевна – Бекобод шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Файзиев Улуғбек Ганиевич – Навоий шаҳридаги “Zarafshan Golden Group” масъулияти чекланган жамияти тасвирчиси, Навоий вилояти

Хидиров Шарофиддин Акрамович – Шароф Рашидов туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Чашемов Мансурбек Халбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи

Шарипова Фотима Зариповна – Когон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Эргашов Ойбек Мухтарович – Шаҳрихон қишлоқ хўжалик касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Эшбеков Тўлқин Усмонович – Ўзбекистон Миллий университети таълим қўшма бўлими билан алоқалар назарияси ва амалиёти кафедраси доценти

Юлдашев Гулмурзо Шукрулаевич – Гурлан туманидаги 40-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

“Шўхрат” медали билан

Абдуллаева Одина Рахимжоновна – Уйчи туманидаги “Жажжи профессор” нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Наманган вилояти

Абдурахмонова Ирода Галабаевна – Хонобод шаҳридаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Абсатови Мустабар Абдумаликович – Сардоба туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Арзимбетова Бибисара Атамуратовна – Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази катта ўқитувчиси

Ахмеджанова Гулсарахон Махмудовна – Олмазор енгил санат касб-хўнара коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

Ахмедходжаев Хамит Турсуневич – Наманган муҳандислик-технология институтининг табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси профессори, Наманган вилояти

Ахунжонов Гулсанам Фазилдиновна – Ўзбекистон туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Фаргона вилояти

Ашурова Умидахон Махмуджоновна – Андижон шаҳридаги “Болажон баҳори” нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Андижон вилояти

Баратова Зумрад Рахматиллаевна – Охангарон туманидаги “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи энагаси, Тошкент вилояти

Бурханов Барот Гафурович – Шеробод туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бусинова Гулнора Бойбутбаевна – Олмалик шаҳридаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Вахидова Лола Абдуллаевна – Хатирчи туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Давидова Дилафруз Абдуганиевна – Янгийул шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Джалилов Умбар Хуррамович – Олтинсой туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Джалилова Хилола Холитигитовна – Гулистон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Джўраев Абдимурат Оралович – Узун туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ешимбетова Камила Шамилевна – Нукус шаҳридаги 46-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ешмуратов Расул Махсудович – Тахтақўпри туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаббаркулова Нилфура Муртозаевна – Галлаорол туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Жанибеков Бахтияр Сулейманович – Қўшрабат туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Жумаева Гузал Баҳоидиновна – Сергели туманидаги 301-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Жўраева Хафиза Бердиёровна – Нишон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Иномова Замирахон Телмановна – Учқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Каримова Муъссар Хайитбаевна – Янгибозор туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Қўқонов Мунирахон Мадаминова – Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Қамбаров Гулнорахон Зоҳиджоновна – Асака туманидаги 24-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг география ва иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мавлонова Мамаура Усмонова – Қўқон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Фаргона вилояти

Мамарасулова Сабоҳат Шоқосимовна – Қўшрабат туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мирахмедова Соҳида Мирзатиллаевна – Бўстонлик туманидаги Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва ихтисодий касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Мирзаев Муҳиддин Журақобович – Яққабол туманидаги 94-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мирзаева Махбуба Абдуқодировна – Урганч туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Муллабоев Абдурауф Эргашевич – Уйчи туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, Наманган вилояти

Муллажоновна Ирода Собировна – Пискент туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Назарова Шазадахон Турдалиевна – Олтинқўл туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Нарзиев Холмурод Садинович – Навбахор туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Навоий вилояти

Норбегова Нодира Насруллаевна – Тайлоқ туманидаги

4-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Носирова Нарғиза Холмуродовна – Қизилтепа туманидаги 39-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Носирова Шохидат Расуловна – Жиззах енгил санат касб-хўнара коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Жиззах вилояти

Оллабергенова Ленинза Болтабаевна – Хива шаҳридаги Болалар шаҳарчаси директорининг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Хоразм вилояти

Расулов Баҳрам Нариманович – Андижон ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг самбо кураши бўйича мураббийи, Андижон вилояти

Раҳимов Урал Маликович – Бойсун туманидаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик йўналиши ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Раҳманов Учқун Тошпўлатович – Қарши шаҳридаги “ILM – U ZIYO SCHOOL” нодавлат таълим муассасаси директори, Қашқадарё вилояти

Раҳмонов Умид Олимович – Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Х.Сироҷиддинов номидаги академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Садиқова Бахтинисо Исановна – Зафаробод туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Саматов Гулчехра Мирзахидовна – Боев туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Сапарниязова Муъссар – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек тилшунослик кафедраси доценти

Саттаров Аҳмад Абдиназарович – Қумқўрғон қишлоқ хўжалик касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Сисоева Юлия Владимировна – Ангрэн шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Сулаймонова Зилолахон Турғунбоевна – Бағдод туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Суярова Зебинисо Эшонкуловна – Булунгур туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Талипов Эркин Далевич – Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Тўйғунов Мирза Жумаевич – Чироқчи туманидаги 112-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Тураева Гузал Рузиевона – Қарши шаҳридаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Турғунова Мамлакат Артикбаевна – Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-хўнара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Турсунова Камолатхон Хакимжоновна – Олтиариқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг технология фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Умаркулов Абдусаттар Аманбоевна – Марҳамат туманидаги 31-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Хакимова Гулмира Абдуллаевна – Юнусобод туманидаги 260-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Хакимова Сайёра Кубаевна – Мирзаобод туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Халимова Дилбар Ибодуллоевна – Бухоро шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг миллий гоё ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хамраев Носиржон Камалович – Чортоқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Хусанова Хафиза Ширинбоевна – Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Навоий вилояти

Хамроева Матлуба Саидовна – Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбиячи ёрдамчиси, Бухоро вилояти

Шодманова Шахноза Курдашевона – Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Эралиева Гулчехра Тухтамамадовна – Бувайда туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Юсупова Гулистан Жамалатдиновна – Қораўзақ туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Юсупова Муъссар Халиевна – Беруний туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Якубова Маммура Исақжоновна – Урганч шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 27 сентябрь

Муносабат

Қ

1 октябрь – Уқитувчи ва мураббийлар куни

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи Ўзбекистон давлат академик катта театрида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтказилган “Устозлар – касаба уюшмалари эъзозиди” республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унга катта иш тажрибасига эга педагоглар, соҳага эндигина кириб келаётган ёш муаллимлар, таълим муассасаларидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва фаоллар тақдир этилди.

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани, бу жараёнда таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириш, ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан кейинги уч йил мобайнида таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга оид 6 та фармон ва қарорлар, Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилинди. Ота-оналар ва жамоатчиликнинг тақдирли инобатга олинди, юртимизда 11 йиллик мактаб таълим тизими жорий этилди. Сўнгги уч йилда 68 та умумтаълим мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. 921 та ўқув маскани реконструкция қилинди ва 420 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. Буларнинг барчаси соҳа ривожиди давлатимизнинг доимий эътиборида эканининг амалий намунасидир.

Уқитувчи ва мураббийларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, улар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ишларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ҳам тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бугунги кунда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги 17 минг 981 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг қарийб 55 фоизи умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатмоқда. Мазкур муассасаларда касаба уюшма кўмиталари ва иш бевувилар ўртасида имзоланган жамоа шартномалари орқали ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимояланмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан “Устозлар – касаба уюшмалари эъзозиди” республика танлови ўтказилди.

Уч босқичда ўтказилган мазкур танловда умумтаълим мактабларида камда 20 йиллик педагогик стажга эга бўлган ва шу билан бирга, бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси раиси сифатида эса камда 10 йилдан буюн ишлаб келаётган 1 минг 135 нафар ўқитувчи қатнашди. Танлов юртимизнинг олис ҳудудларида меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларни ҳам кенг қамраб олди. Уларнинг фаолиятини баҳолашда педагогларнинг ёш авлодга сифатли таълим-тарбия бериш, ўғил-қизларнинг маънавий ва интеллектуал дунёсини бойитиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш йўналишларида олиб бораётган ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман (шаҳар) кенгашларида тузилган комиссия томонидан танлов иштирокчиларининг фаолияти ошқора ва адолатли баҳолалиб, юқори натижа кўрсатган номзодларнинг ҳужжатлари танловнинг иккинчи

босқичига ўтказилди.

Жорий йилнинг 16-19 сентябрь кунлари ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларида ташкил этилган махсус комиссиялар томонидан низоом талабларига мувофиқ сараланган номзодлар, яъни ҳар бир ҳудуддан 3 нафардан, жами 42 нафар номзод танловнинг республика босқичига йўланма олди. 20-24

УСТОЗЛАР ДОИМ ЭЪТИБОР ВА АРДОҚДА



сентябрь кунлари эса танловнинг республика босқичи ғолибларини саралаш жараёни бўлиб ўтди. Унда ҳар бир ҳудуддан биттадан энг юқори балл тўплаган 14 нафар соҳа ходими аниқланди.

Уқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ташкил этилган тантанали тадбирда дастлаб таълим тизимида узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб, соҳада юқори натижаларга эришиб келаётган фидойи устоз ва мураббийлардан бир гуруҳига касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлашлари учун йўланмалар топширилди.

Шундан сўнг олий ва халқ таълими, амалбача таълим ҳамда ихтисослаштирилган махсус таълим муассасаларида самарали меҳнат қилиб келаётган, соҳани ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, касаба уюшма ишини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган педагоглар Касаба уюшмалари федерацияси томонидан таъсис этилган “Энг фаол ёш ўқитувчи”, “Инновацион фаол ходим” ва “Энг маҳоратли ўқитувчи” номинацияларига сазовор бўлдилар ҳамда ноутбуклар билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоизки, “Энг фаол ёш ўқитувчи” номинацияси соҳиб бўлган Тошкент давлат техника университетини қосидаги академик лицейининг математика ўқитувчиси Жамид Бўронов ўқувчилари олий таълим масканига энг кўп кирган педагог сифатида эътироф этилди.

“Инновацион фаол ходим” номинацияси совриндори бўлган пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 560-сонли кўп ихтисосли махсус мактабга таълим муассасаси методисти Феруза Каримова эса янги педагогик технологиялар, интерфаол усулларни жорий этганлиги ва бир қатор инновацион тадқиқотлари билан юқори натижага эришган.

“Энг маҳоратли ўқитувчи” номинацияси совриндори бўлган пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 527-мактабга таълим муассасасининг жисмоний тарбия йўриқчиси Азиза Юнусова спорт соҳасини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси, шоғирдлари юздан ортиқ мусобақаларда ғолиб бўлганлиги билан эътироф этилди.

Тадбир давомида таълим тизимида фидойиллик билан бошқаларга намуна бўлаётган, соҳа ривожига ўз салоҳиятини намоён этиш билан бирга, касаба уюшмалари ишларида фаоллик кўрсатаётган, жамоа шартномалари орқали таълим масканлари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, меҳнат ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилишга ҳисса қўшаётган фидойи устозларнинг бир гуруҳи Касаба уюшмалари федерациясининг “Эҳтиром нишони” билан тақдирланди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг август ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташири чиғида Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бу ерда яшаётган аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турмуш даражасини ошириш юзасидан жиддий ташаббусларни илгари сурган эди. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тадбирда ёш авлоднинг маънавий, жисмоний ва интеллектуал етук инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшаётган ҳамда ёзги мавсумда болаларни соғломлаштиришга фаол ҳисса қўшаётган муассаса – “Оқ кема” болалар соғломлаштириш оромгоҳига Касаба уюшмалари федерацияси томонидан “Damas” автомашинаси топширилди.

Тантанали тадбирнинг “Устозлар – касаба уюшмалари эъзозиди” республика танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган қисми ниҳоятда ҳаяжонга бой бўлди. Танловнинг ғолиб ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғаларни Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов топширди.

Биринчи ўринга Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 1-сонли умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, мазкур мактабининг бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Лобархон Рустамова муносиб топилди ва унга “Spark” автомабили ҳамда махсус диплом топширилди.

Иккинчи ўрин – Навоий вилояти Конимех туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, мазкур мактабининг бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Нурия Тўрақуловага насиб этди ҳамда у Касаба уюшмалари федерацияси томонидан “Samsung” музлаткичи ва диплом билан тақдирланди. Учинчи ўринга Қашқадар вилоятининг Деҳқонобод туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси, мазкур мактабининг бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Диплом Тошмурадова сазовор бўлди ва “Samsung” кир ювиш машинаси ҳамда махсус дипломга эга бўлди.

Президентимиз томонидан таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, ўқитувчиларни ардоқлаш ва жамиятдаги нуфузини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда, – деди танлов ғолиби Лобархон Рустамова. – Бундай эътибордан бошимиз осмонга етиб, ўз устимизда тинмай изланмоқдамиз. Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтказилган “Устозлар – касаба уюшмалари эъзозиди” танловида ғолиб бўлганим биргина мен эмас, меҳнат жамоамининг ҳам галабаси деб биламан. Зеро, жамоадаги соғлом муҳит янада самарали, астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Тантанали тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намоён этилди.

Назозат УСМОНОВА

МЕҲРИДАРЁ, ФИДОЙИ УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Президентимизнинг жорий йил 27 сентябрдаги “Уқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнэк кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ пўйтахтлик 19 нафар устоз ва мураббийлар ҳам ватанимизнинг фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида устоз ва мураббийларни мазкур давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унга ўқитувчи ва мураббийлар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, жамоатчилик, пўйтахт фаоллари тақдир этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев ўқиб эшиттирди.

Дарҳақиқат, Президентимиз табригида таъкидланганидек, ўзининг кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Тантанали тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида кўрсатилган улкан эътибор устоз ва мураббийлар, кенг педагогик жамоатчиликнинг ишида яққол намоён бўлмоқда. Уларнинг меҳнатини қадрлаш, ижтимоий муҳофазалаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай эътиборнинг бари ўқитиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда миллий аниҳана ва қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик, фидойиллик туйғуларини мустаҳкам қарор топширишда муҳим пойдевор яратмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўқитувчиларни эъзозлаш, жамиятда бу касбнинг макени юксалтириш борасидаги юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шу кун пўйтахтимиздаги “Наврўз” маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийлар учун сайл ташкил этилди.

Ислохотлар таълимнинг барча бўғинларини қамраб олаётгани ёш авлод келажаги, унинг истиқболли йўлида кўрсатилган чин ғамхўрликнинг амалий намунаси, – деди Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги энгил санъат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, “Шўхрат” медали соҳиббаси Гулсарахон Аҳмеджонова. – Камарона меҳнатларим шундай юксак қадр ва эътибор тоғидан қалбим ҳаяжонга тўлди, руҳиятим осмонлар қадар юксалди. Назаримда бугун ҳар бир педагогнинг кўнглидан шундай туйғулар кечмоқда, десак янглишмайман. Ўқитувчилардек оддий, хокисор ва шу билан бирга гоят масъулиятли касб эгаларига кўрсатаётган юксак эътибори учун Президентимиздан жуда миннатдорим.

Сайлда ўқитувчиларнинг мулоқот қилиши, ўзаро фикр ва таъриба алмашиши учун барча шароитлар яратилди. Болалар бадий ижодиёт марказлари фаолиятига бағишланган кўргазма ташкил этилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги мусиқий дастур устоз ва мураббийларга гоят манзур бўлди.

Бу каби тадбирлар Тошкент шаҳрида кўплаб маданият ва истироҳат боғларида бўлиб ўтди. Меҳридарё устозларга бағишланган байрам шуқуқи мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

(ЎЗА)

ҲАР БИР САЙЛОВЧИ — ЭЪТИБОРДА

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ва Ўзбекистон қарлар жамияти ўртасида келишувлар имзоланди.

Бундан кўзланган асосий мақсад Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига шу йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловлар жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларни бирлаштирган жамиятлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришдан иборат.

Мамлакатимизда барча фуқароларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ва самарали механизмлари умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартлар асосида шакллантирилган.

Бу жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида ҳам мустақамланган. Сайлов кодексида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг барча конституциявий ҳуқуқлари, жумладан, сайлов ҳуқуқини бошқа фуқаролар билан тенг ва эркин амалга ошириши учун зарур шароит ҳамда имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Битимларни имзолашга бағишланган тадбирда таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик жараёнида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг алоҳида эҳтиёжларига ҳамма жиддий эътибор қаратиб келади.

Айни пайтда сайлов участкалари биносини ва овоз бериш хоналарини танлаш ва жиҳозлаш, хусусан, ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг овоз бериш жойига келиб-кейтиши, бинога кириб-чиқиши, бино ичида ҳаракатланиши, эркин ва тўсиқларсиз овоз бериши учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, овоз бериш хоналарига олиб борувчи кўрсаткичлар қуринлари жойига ўрнатилиши, участка сайлов комиссияси биносига сайлов кўни малакали тиббиёт ходимларининг наватчилиги ташкил этилишига ҳам эътибор қаратилди.

Депутатликка номзоди кўрсатилган ижтимоий фаол ногиронлиги бўлган шахслар ўз сайловларида дастурини тузиши ва уни сайловчилар ўртасида тарғиб қилишида ҳар томонлама кўмаклашилди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси билан мазкур жамиятлар ўртасида имзоланган келишувлар ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини самарали таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири

МЕҲР ВА ИШОНЧ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Ёнгин хавфсизлиги институтида “Мудом эъзоздасиз азиз устозлар” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Истеъфодаги полковник Али Сирожитдиновнинг 70 ёшли таваллуд айёмига бағишланган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазирлиги раҳбарияти, Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси, ФВВ Фуқаро муҳофазаси институти профессор-ўқитувчилари, Ёнгин хавфсизлиги институти фахрийлари ва профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари генерал-майор Абдулла Қўлдошев очиб, истеъфодаги полковник Али Сирожитдиновни самимий табриклаб, устоз ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд тоғланлиги, мамлакатимиз илмий салоҳиятини янада ривожлантириш йўлида узоқ истиқболга мўлжалланган ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида қатор нуфузли хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатишда муайян ишларни амалга оширганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, А.Сирожитдинов педагогик фаолияти давомида АҚШ, Испания, Франция каби мамлакатларнинг шунингдек, республикамизнинг нуфузли илмий нашрларида 100 дан ортиқ илмий-услубий мақола ва тезислар чоп этгани алоҳида эътироф этилди.

Устоз республикамиздаги барча шоғирдларини илм олишга ўргатиш билан бирга, ўз фарзандидек кўради. Меҳрибон мураббийлик фазилатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 июндаги Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвони берилгани бежизга эмас.

Хозирда устоз турмуш ўртоғи Динара Сирожитдинова билан ахил-иноқликда умргузаронлик қилиб, эл юрт хизматида муносиб издош бўлаётган фарзандлари, набираларига ҳам тарбия бериб келмоқда. Шунингдек, қарийб 40 йил мобайнида эл хизматида самарали фаолият олиб борган устоз нафақага чиққандан сўнг ҳам Ўзбекистон Республикаси ФВВ Ёнгин хавфсизлиги институтида ёшларга илм сирасорини ўргатиб келмоқда.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазирининг генерал-лейтенант Турсинхан Худайбергеновнинг табриги тадбир қатнашчиларига ўқиб эшиттирилиб, вазирликнинг буйруғига асосан Али Сирожитдинов “Аъло хизматлари учун” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг “Бугун ёшларимиз халқ қулуви куч бўлиб ҳаётга қираяпти. Мен бу ёшларга ишонман!” деган сўзлари замирида ҳам биз, ёшларга қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам эканини кўриш мумкин, – дейди курсант Аваз Пармонов. – Зеро, биз, ёшлар ҳам устозларимиз ўғитларидан, улар босиб ўтган бой ҳаётий тажрибаларидан ўрнэк олиб, бор шижоатимиз, имкониятимизни сафарбар этган ҳолда, илм сирасорларини мустаҳкам эгаллаб, жоноҳон Ватанимиз равнақи йўлида шу билан бир қаторда соҳанинг ислохотлари ва истиқболларини самарали амалга оширишда ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ, Ёнгин хавфсизлиги институтининг ОАВ билан ишлаш бўйича катта инспектори, капитан



МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Фидойи ўқитувчи ва мураббийлар доимий эътиборда, халқимиз ардоғидаги соҳа вакилларининг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Шу сабабдан юртимизда ҳар йили аниҳанавий тарзда 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни кенг нишонланиб байрам тадбирлари ўтказилади.

Шу муносабати билан пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 17-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ҳам “Устоз отангдан улуг” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил қилинди. Мазкур тадбирга болаларнинг семимли шoirаси Кавсар Турдиева, фахрий устозлар ва ўқувчиларнинг ота-оналари тақдир этилди. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар ҳар бир инсоннинг вояга етиб, камол топишида устоз ва мураббийлар алоҳида ўрин тутишини ва уларни ҳамма эъзозлаб, қадрлашимиз кераклигини таъкидлаган ҳолда барча ўқитувчиларни ушбу байрам билан самимий қутлашди.

Тадбир давомида мактаб ўқувчилари томонидан қуйланган қўшиқлар, ўқувчи қизларнинг рақс дасталари, устозлар ҳақида айтилган шערлар ва айниқса тарбиявий аҳамиятга эга сахна кўринишлари меҳмонларга бирдек манзур бўлди.

Солияхон ТАДЖИЕВА, ўқитувчи СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

ХАЛҚАРО КИТОБ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги анжуманлар залида жорий йилнинг 2-4 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган "Tashkent Book Fest" I Тошкент халқаро китоб кўргазма-ярмаркасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманига барча оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогер ва мутахассислар, ноширлик, кутубхоначилик иши масъуллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Китоб савдоси ва ахборот-кутубхона ресурслари бўлими бошлиғи Воҳид Ҳамидов, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева ва мамлакатимизда ноширлик соҳасини тубдан яхшилаш, халқимиз, айниқса, ёшларнинг китобга бўлган қизиқиши ва ҳурматини ошириш, ахборот-кутубхона ишларини замон билан ҳамнафас йўлга қўйиш масалаларига давлат сийсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кейинги уч йил мобайнида қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг китобга бўлган меҳрини тобора орттириш, нашриётларнинг эркин ва самарали ишлаши, соҳага энг замонавий, илғор технологияларни жорий этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

"Tashkent Book Fest" халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар тарбиясига оид илгари сурилган беш муҳим ташаббус ҳамда Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад-муддаолари, уларнинг моҳиятига ҳамроҳлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу маърифий лойиҳа китоб ва китобхонликни кенг тарғиб этиш, мамлакатимизда ноширлик ва китоб тарғиботи соҳасида эришилган ютуқ ва янгиликлардан халқимизни бохабар этиш, жаҳон босма санъатининг илғор тажрибасини ўрганиш, нашриётлар ва китоб тарқатувчилар, ахборот-кутубхона масканлари, китоб-мутолаа масалаларига масъул бўлган ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни тобора кучайтириш ва мустаҳкамлашдек мақсадларни кўзлабди.

Ушбу халқаро кўргазма-ярмаркани ўтказиш учун "2019 йил – Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси йили" бўйича ўтказиладиган чора-тадбирлар режаси ҳам ўзига хос асос бўлиб хизмат қилди. Бундай йирик миқёсда ўтказиладиган илк халқаро китоб-кўргазма ярмаркасида Буюк Британия, Германия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Корея Республикаси, Қирғизистон, Туркиядан нашриёт ва китоб савдосига оид таш-



www.uz4.uz

килотлар ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Халқаро ярмарка доирасида ўтказиладиган маданий-маърифий дастурлар, ижодий учрашувлар, хориж нашриётларида чоп этилган янги ва нодир китоблар тақдироти, миллий матбаа маҳсулотлари намойиши ҳамда бошқа муҳим, қизиқarli тадбирлар ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумот берилди.

"Ўзэкспомарказ" мажмуасида бўлиб ўтувчи "Tashkent Book Fest" халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси доирасида кўлаб янги китобларнинг тақдироти, соҳа вакиллари учрашувлари, ёзувчи ва шоирлар билан мулоқотлар, ижодий викториналар, қизиқarli интеллектуал ўйинлар, китобхонлик танловлари, мушоиралар, заковат беллашувлари, бадиий ижоднинг турли йўналишларига оид маҳорат дарслари бўлиб ўтиши белгиланган.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Шайхонтохур тумани кўриқлаш хизмати соғлигингиз ва мол-мулкнинг хавфсизлигини таъминлашда сизга ёрдам беради. Мурожат учун телефонлар: +99871 244-40-21, +99897 778-40-55, +99893 432-63-32.

Яшнобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 07.10.2018 йилда 1769 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "HUMSON BULOQ INVEST" МЧЖ (СТИР 302764148) таъсисчининг 23.09.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давлолар эълон чикқан кундан бошлаб Яшнобод тумани, Толарик кўчаси, 26-уй манзилида қабул қилинади.

Олмасор тумани ТСРЎИ томонидан 12.08.2011 йилда № 005388-05-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "SPARTAK TOSHKENT" МЧЖнинг таъсисчининг 2019 йил 30 сентябрдаги 1-сонли баённомасига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давлолар эълон чикқан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Олимия тумани, Олимпия даҳаси, 14-уй, 41-хонадонда қабул қилинади. Давлолар +99898 307-82-00 рақамида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Яшнобод тумани ТСРЎИ томонидан 26.09.2007 йилда № 001576-07 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MPC – KNITWORKS" МЧЖ (СТИР 300576256) таъсисчиларнинг 03.10.2019 йилдаги баённомасига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давлолар эълон чикқан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яшнобод тумани, Паркент 7-берк кўчаси, 2-уй манзилида қабул қилинади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 11.10.2014 йилда реестр рақами билан 000665-10 рўйхатдан ўтган "AQVA-SILK-BIZNES" МЧЖ (СТИР 205241300) таъсисчининг 19.09.2019 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давлолар эълон чикқан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида кўйидаги манзилда қабул қилинади: Юнусобод тумани, Обид Зокиров кўчаси, 5-уй, 2-хонадон. Телефон: +99890 317-14-77.

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 287-умумтаълим мактаби томонидан 2017 йилда Шокиров Доһиёр Махмуджон ўғли номига берилган U № 8132795 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Учтепа тумани 287-умумтаълим мактаби томонидан 2019 йилда Шокиров Доһиёр Махмуджон ўғли номига берилган UM № 0269338 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент банк касб-хунар коллежи томонидан 2004 йилда Абдуллаев Сарвар Тўйчиевич номига берилган K № 057940-сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент тиббиёт академияси томонидан 2011 йилда Аккиев Муҳиддин Исомиддинович номига берилган № 300012 рақамли диплом кўчирмаси йўқолганлиги сабабли


БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сергели туманидаги 284-сонли умумтаълим мактаби томонидан 1999 йилда 11-синфини тамомлаган Базарбаева Жанара Анаваровна номига берилган O'Р-В № 048338-сонли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Ҳарорат кечаси – 8-10, кундузи – 20-22 даража ишқ бўлади. Узидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият бўлмайди. Ҳарбаи сезувчан 7-12 метр тезликда шимол эсади.

Тошкент шаҳрида 1 октябрь куни ҳаво ўзарлиб туради, кечаси ва эрталаб ёлғир ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарбаи сезувчан 7-12 метр тезликда шимол эсади.

Алексей КИРДЯНОВ
Реклама ўрнида

УЧРАШУВЛАРДА МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари экспортёр корхона вакиллари билан учрашиб, мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларга ўз ташқи иқтисодий фаолиятларини амалга оширишда яратилаётган қулайликлар ва эркинликлар бўйича амалдаги қонунчилик доирасида тушунтиришлар бериш мақсадида сайёр учрашувлар ташкил этмоқда.

Навбатдаги сайёр учрашув "Baraka yutuq" масъулияти чекланган жамиятда бўлиб ўтди.

Мазкур корхона 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида ишлаб чиқараётган маҳсулотларини Россия Федерацияси ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилиб келмоқда.

Учрашув давомида "Чукурсой" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости бошлиғи ўринбосари Т.Абдиоров томонидан маҳсулотнинг экспортдаги ўрни ва янги қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўғрисида тушунтиришлар берди.

Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларга ўз фаолиятини

амалга ошириш жараёнида юзага келаятган муаммоларни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан Давлат божхона қўмитасининг 11-08 қисқа рақамига кўнгирок қилиши ёки бевосита божхона пости бошлиғи ва ўринбосари билан учрашган ҳолда мурожаат қилиши мумкинлиги айтиб ўтилди.

Келгусида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш, божхона расмийлаштирувини янада такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш бўйича таклифлар орқали мурожаат қилишга келишиб олинди.

Зарина РУСТАМОВА

ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган оқилона сиёсат, хусусан тадбиркорлик соҳасига берилаётган кенг эътибор натижасида халқимиз учун янги имкониятлар, кўлаб қулайликлар, энг асосийси янги иш ўринлари пайдо бўлмоқда.

Бирок ҳаётда ўз юртидаги тўкин ҳаёт ва яхши шароитга қаноат қилмасдан, хорижда осон йўл билан мўмай даромад топиш орзусида юриб, ноинсоф устамонларнинг тузоғига тушиб, кейинчалик пуншаймон бўлганлар ҳам учраб туради.

Орзуларига эришиш йўлида тезроқ кўп пул топиш мақсадида Туркия давлатига катта маош эвазига ишлашга бориб, кейинчалик афсус чекиб қолган Р.Жўрабоева ҳам мана шундай хатога йўл қўйганлардан.

Бектемир туман судида бўлиб ўтган очик суд мажлисида фуқаро Р.Жўрабоевани (исми ва фамилияси ўзгартирилган) Истанбул шаҳрига даромади юқори ишга юбораман деб, одам савдоси жиноятига қўл урган Г.Сафаровнинг жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш жараёнида аниқлинишича, Г.Сафарова жиноий йўл билан моддий бойлик орттириш мақсадида Яшнобод тумани, Фаргона йўли кўчасида жойлашган меҳмонхонада Р.Жўрабоева билан учрашиб, унинг соддалигидан фойдалана-

ниб, бошқа шахс орқали "НУ-273" рейсида Истанбул шаҳрига жўнатиб юборган.

Туркияда Р.Жўрабоевани фуқаролик паспорти олиб қўйиб, катта маош тўлаш ўрнига тахқирлашади ва қонунга зид бўлган ишларни бажаришга мажбурлашади.

Суд мажлисида барча гувоҳлар, айбланувчи ва жабрланувчининг кўрсатмалари эшитилди, судланувчи айбларига қисман иқдор экани ва чин кўнгилдан пушаймон эканини, бу каби қинғир йўлга билмасдан кирганини маълум қилди. Ўз ўрнида Тошкент шаҳар Бектемир туман суди томонидан фуқаро Г.Сафарова Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисмининг "д,е,з" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганлигида айбдор деб топилди, унга қонунга мувофиқ тегишли жазо тайинланди.

Бобир УТАМУРОДОВ, жиноят ишлари бўйича Бектемир тумани суди судьяси

ЁШ ИҚТИДОР ЭГАЛАРИ БАРЧАНИ РОМ ЭТДИ

Очиқ осмон остидаги концертлар – Open Air анъанаси ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Ана шундай концертлардан бири "Хумо арена" муз саройи олдидаги майдончада бўлиб ўтди ва санъат шайдоларида ажойиб ҳамда унутилмас таассуротлар қолдирди.



Бетакрор куй ва қўшиқлар оҳанглари юксакка, юлдузлар сари парвоз этди, йиғилганлар уларни қизгин олқишлар билан қарши олди ва буларнинг барчаси иштирокчиларда ранг-баранг чироқлар билан безатилган кемада сузиб кетаётгандек таассурот уйғотди. Айни пайтда бу республикада ўтказиладиган маданий ва спорт тадбирларини қизгин кўлаб-қувватлаб келаётган "ЛУКОЙЛ Ўзбекистон оперетинг компани" компаниясининг бош хомийлик кўмағида ташкил этилган "Ўзбекистоннинг ёш иқтидорлари" тадбири иштирокчиларининг келажаги порлоқ эканлигига умид уйғотди. Зеро, бунинг учун уларда барча имкониятлар – ижодга катта муҳаббат, шак-шубҳасиз иқтидор, қизгин меҳнат эвазига эришилган маҳорат ҳамда тартиб сифатида шаклланиш йўлидан оғишмай олға босиш учун улкан ирода бор.

Ёш рағбатли чироқлар билан безатилганлиги туфайли ушбу концерт дастурини "шоу" деб аташ мумкин. У томошабинларни жанрлар ранг-баранглиги ва унда иштирок этган ёш иқтидор эгалари – болалар, йигит ва қизларнинг жўшқин гайратини билан хушнуд этди.

Уларни ушбу дастурга бир пайтнинг ўзида бир неча ташкилот – Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, Давлат филармонияси ва Ўзбекистон давлат катта академик театри тавсия қилган. Концерт дастурини иштирок этган санъаткорларнинг кўпчилиги ўз маҳорати учун турли халқаро ижодий танловлар ва фестивалларда мукофот ва дипломлар билан тақдирланган. Улар орасида Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент мусиқа коллежлари ва лицейлари, Олий ракс ва хореография мактабининг талабалари ва битирувчилари бор.

Нима учун ушбу концерт хайрия тадбири деб ҳисобланади? Деган саволнинг туғилиши табиий. Томошабинлар учун бепул бўлиши баробарида у концерт иштирокчиларини кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилди, тадбирнинг мақсади ёш талантларга ўзини оммага таништириш, пойтахтимизнинг энг замонавий концерт майдонида – "Хумо-аренада" ўз маҳоратини намойиш этишга кўмаклашиш, кўпчилига учун эса ҳаётда илк бор гонорар олиш имконини берди. Ушбу концерт туфайли Ўзбекистонда янги истеъдод соҳиблари кашф қилинган бўлса, ажаб эмас.

Ранг-баранг шоунинг очилишидан аввал халқаро танловлар лауреати, Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг бош дирижери Алибек Кабдурахманов шундай деди: – "ЛУКОЙЛ" компаниясидан ва ушбу лойиҳа ташкилотчиларидан ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашгани ва янги иқтидорларни кашф этгани учун миннатдоримиз. Умид қиламизки, лойиҳа давом эттирилади, демак, концерт дастурларида иқтидорли болалар билан янги учрашувлар бўлиб ўтади. Бугунги ёш санъаткорлардан ҳеч қайсисини алоҳида таъкидламайман, мен учун уларнинг барчаси ажойиб.

Девяри барча ёшлар – кўп сонли вокал ижрочилари, раққослар, мусиқчилар ва цирк артистлари ўз чиқишларини А.Кабдурахманов бошчилигидан оркестр жўрлигидан намойиш этди.

Дастурни Ўзбекистон миллий симфоник оркестри очиб берди, унга ёш истеъдод соҳиб Асадбек Аюбжанов дирижёрлик қилди, бунгача у Москванинг "Виртуозы Москвы" машҳур жамоасига ҳам дирижёрлик қилиб кўрган. Бу оқшомада бундай ажойиб иқтидор эгаларининг кўпчилиги саҳнага чиқди.

Профессионал цирк артисти Далер Ха-

метовнинг эквилибристик номери томошабинларда ёрқин таассурот қолдирди.

Ўзбек ва хорижий композиторларнинг (мумтоз ва замонавий) асарлари жонли ижро этилди. Томошабинлар эътиборига эски кинофильмлардаги кадрдон куй ва оҳанглар ҳавола қилинди, шунингдек, "FlyinUp" ёшлар гуруҳининг, хореограф Пўлат Абдураимов томонидан тайёрланган "Оқ фаршталар" рақсини ижро этган нозик қизалоқларнинг чиқишлари барчани хушнуд этди.

Концерт дастури ёш доирачилар ва Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ижросидаги ўзбек композитори Анор Назаровнинг "Тароналар базми" куйи остида барча иштирокчиларнинг саҳнага чиқиши билан яқунланди.

Томошабинларнинг қизгин олқишлари шундан далolat берадики, ижодий қобилиятга эга ёш авлод ўзининг маҳорати, пухта тайёргарлиги ва иқтидори билан барчани ром этди.

Алексей КИРДЯНОВ
Реклама ўрнида